

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВАКАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ**  
**ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИДА МАВЖУД БЎЛГАН БЎШ ИШ**  
**ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**  
**БАРЧА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ**  
**МАЛАКА ВА ШАХСИЙ ТАЛАБЛАР**

1. Иқтисодиёт, молия, солиқ, банк, шунингдек, юридик хизмат йўналишларида олий маълумотга эга бўлиши (хорижий ва халқаро олий ўқув юртиларида таҳсил олган номзодларга афзаллик берилади);
2. Инглиз ва ўзбек тилларини мукаммал билиш (IELTS сертификатига эга бўлган (камида 6 балл) номзодлар маъқулланадилар);
3. Компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини билиши;
4. Меҳнатсеварлик ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш;
5. Профессional этикет, ҳамкасбларга ҳурмат билан қараш;
6. Муомала ва музокара маданияти;
7. Ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда таклифларини тақдим қила олиш қобилияти.

**НОМЗОДЛАР АНКЕТАЛАРНИ ЮБОРИШДА ЎЗ ИНШОЛАРИДА**  
**АЛБАТТА ҚАЙСИ БОШҚАРМА ВА БЎЛИМДА ҲАМДА ЛАВОЗИМДА**  
**ИШЛАШ ИСТАКЛАРИНИ АНИҚ КЎРСАТИБ ЎТИШЛАРИ ЛОЗИМ**

**АКС ХОЛДА АНКЕТАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ !**

Танлов жараёни махсус тузилган комиссия томонидан 3 босқичда амалга оширилади.

**1-босқич:** Юқоридаги талабларга жавоб берадиган номзод **[kabduholikov@mineconomy.uz](mailto:kabduholikov@mineconomy.uz)** электрон манзилига ўзига тегишли маълумотнома (CV word шаклида, илова қилинади)ни ҳамда қисқача нима учун шу лавозимда ишлаш истаги борлиги тўғрисида иншони (эссе) ўзбек ва инглиз тилларида (камида икки варақда Times New Roman 13-шрифтида) ёзиб жорий йилнинг 22 **майга** қадар юбориши зарурдир.

**2-босқич** 26 **майга** қадар ишчи гуруҳи номзодлар томонидан юборилган CV ва иншолар ўрганиб чиқилади ва қўйилган талабларга жавоб берган номзодлар кейинги босқичга ўтганликлари ҳамда **27 май** куни видео-конференц орқали улар билан ўтказиладиган суҳбат куни тўғрисида хабар берилади.

**3-босқич:** суҳбатдан ўтган номзодлар одатда шу куннинг ўзида ёки комиссия томонидан белгиланган бошқа кунда масофавий тарзда тест синовидан ўтказилади, тест натижалари балл тизими бўйича баҳоланади.

Комиссия барча босқичларда иштирок номзодларнинг балларини кўриб чиқиб, 10 кун муддатда номзодларга танлов натижалари тўғрисида [www.minesonony.uz](http://www.minesonony.uz) расмий веб сайтыда эълон берилишини таъминлайди.

*Ишчи гуруҳи билан боғланиш учун (+99871) 232-64-83 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.*

<b>(CV наъмуна) МАЪЛУМОТНОМА</b> (14 шрифт)		<b>РАСМ 3x4</b>
<b>Раббимов Ғанижон Шокирович</b> (14 шрифт)		
2012 йил 20 февралдан Суд департаменти ..... вилоят ҳудудий бошқармаси ..... бўлимнинг етакчи инспектори (11 шрифт)		
<b>Туғилган йили:</b> 20.08.1985(11 шрифт)		<b>Туғилган жойи:</b> ..... вилояти ..... шаҳри (11 шрифт)
<b>Миллати:</b> ўзбек(11 шрифт)		<b>Партиялиги:</b> партиясиз(11 шрифт)
<b>Маълумоти:</b> олий(11 шрифт)		<b>Тамомлаган:</b> 2006 й. Самарқанд Давлат университетини (бакалавр) (11 шрифт)
<b>Маълумоти бўйича мутахассислиги:</b> (11 шрифт)		иктисодчи (11 шрифт)
<b>Илмий даражаси:</b> йўқ(11 шрифт)		<b>Илмий унвони:</b> йўқ (11 шрифт)
<b>Қайси чет тилларини биледи (тўлиқ кўрсатилиши лозим):</b> рус тилини(11 шрифт)		
<b>Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):</b> йўқ(11 шрифт)		
<b>Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):</b> йўқ(11 шрифт)		
<b>МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ</b> (14 шрифт)		
2002-2006 й.	-	Самарқанд Давлат университети ..... факультетининг талабаси(11 шрифт)
2006-2008 й.	-	..... вилояти ..... туман ..... бўлинмасининг суд ижрочиси(11 шрифт)
2008-2010 й.	-	..... вилояти ..... туман ..... бўлимнинг катта .....(11 шрифт)
2010-2012 й.	-	..... вилоят ҳудудий бошқармаси ..... бўлимнинг инспектори(11 шрифт)
2012 й.-ҳ.к.	-	..... вилоят ҳудудий бошқармаси ..... бўлимнинг етакчи инспектори(11 шрифт)

# ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

## 1. Бош мутахассис

### Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар

#### Талаблар:

- Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида камида 2 йил иш стажига эга бўлиши;
- Худудларни ривожлантиришда янги ва самарали ёндашувларини, хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- жамоани бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиш;

#### Вазифалар:

1. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги фарқни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;
2. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ортда қолаётган туман ва шаҳарларда саноат ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, уларнинг табиий бойликлари, географик жойлашуви, меҳнат ресурслари ва бошқа салоҳиятидан самарали фойдаланилишни назарда тутувчи дастурлар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
3. Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш, уларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоли масалаларни аниқлаш чораларини белгилаш;
4. Худудлар ихтисослашувини белгилаш, шу билан бирга, ҳудуд иқтисодиётини диверсификация қилиш орқали таркибий ўзгаришларнинг боришини белгилаш;
5. Худудларда фойдаланилмаган меҳнат захираларини ва ишлаб чиқариш салоҳиятларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
6. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида давлат томонидан бевосита ва билвосита ёрдам берилиши бўйича йўналишларни аниқлаш;
7. Ҳар бир туман ва шаҳар иқтисодиётининг жадал ривожланишига туртки бўладиган йўналишларни аниқлаш;
8. Худудий инвестиция дастурлари шакллантириш жараёнида лойиҳаларни, хусусан ишлаб чиқариш кучлари, инфраструктура ва турар жойларни ҳудудга табиий, иқтисодий, архитектура-қурилиш, шунингдек истеъмол бозори каби омилларни инобатга олган ҳолда мақбул жойлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

9 Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларини самарали ва сифатли амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш, уларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоли масалаларни аниқлаш чораларини белгилаш.

## **МЕҲНАТ БОЗОРИ, ДЕМОГРАФИЯ ВА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ**

### **2. Бошқарма бошлиғи ўринбосари;**

#### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

##### **Талаблар:**

- меҳнат бозори, демография ва миграция соҳасида хизмат лавозимида камида 5 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- меҳнат бозори, демография ва миграция соҳасида йўналишида янги ва самарали ёндашувларини, хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- жамоани бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиш;
- ходимларни танлаш, уларни бир мақсад сари йўналтира олиш ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш қобилиятига эга бўлиш;

##### **Асосий вазифалари:**

1. Меҳнат бозори, демография ва миграция соҳасидаги устувор йўналишларини аниқлаш ва вазирликнинг мазкур соҳадаги сиёсатини юритишда иштирок этиш;
2. Меҳнат бозори, демография ва миграция соҳасидаги вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг иқтисодий мувофиқлигини ўрганиб чиқиш ва таклифлар бериш;
3. Республиканинг Меҳнат бозори, демография ва миграция соҳаси бўйича қабул қилинадиган қонун ва нормативларда иштирок этиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш;
4. Меҳнат бозори, демография ва миграция жараёнлари таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, шунингдек, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўрганишлар олиб бориш ва такомиллаштириш бўйича таклифларни киритиш;
5. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан миграция соҳасини ривожлантириш дастурларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш механизмининг амалга ошириш;

## ЮРИДИК БЎЛИМ

**3. Бўлим бошлиғи;**

**4. Бўлим бошлиғи ўринбосари.**

**Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

**Талаблар:**

- Юридик хизмат лавозимида камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- Юридик хизмат йўналишида янгича ва самарали ёндашувларини, хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- жамоани бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиш;
- ходимларни танлаш, уларни бир мақсад сари йўналтира олиш ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш қобилиятига эга бўлиш;

**Вазифалар:**

1. Вазирликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

2. Вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

3. Вазирликнинг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

4. Вазирлик ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

5. Шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, вазирликнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

## ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАВИЙ ОФИСИ

**5. Офис бошлиғи:**

**Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

**Талаблар:**

- Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодий ётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий

қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорлик қилиш соҳасида хизмат лавозимида камида 5 йил иш тажрибасига эга бўлиш;

- Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорлик қилишда янгича ва самарали ёндашувларини, хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

- Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда мамлакат иқтисодиётида рақобат муҳитини яхшилаш, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман билан биргаликда бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни ташкил этишда ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш учун таклифлар ишлаб чиқа олиш кўникмасига эга бўлиш;

- Ўзбек, рус ва инглиз тилларини мукамал билиши (IELTS 7.0), кўшимча хорижий тилларни билиши афзаллиги;

- Компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини мукамал билиши;

- жамоани бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиш;

- ходимларни танлаш, уларни бир мақсад сари йўналтира олиш ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш қобилиятига эга бўлиш.

### **Вазифалар:**

1. Иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқариш бўйича институционал ислохотларни амалга ошириш орқали амалдаги ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бизнес муҳитига таъсирини баҳолаш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

2. Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек ваколатли бўлган масалалар бўйича идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш;

3. Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорликни ўрнатиш;

4. Ўзбекистонда иқтисодийни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш борасида керакли таҳлилий ишларни мунтазам амалга ошириб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

5. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида керакли таҳлилий ишларни мунтазам амалга ошириб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар портфолиосини тузиш ва улар мониторингини амалга ошириш.

7. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар портфолиосини тузиш.

8. Чора-тадбирларни ижросини бажариш мақсадида ишларни ташкил этишда ҳамкорлик қилиш ва ижроси бўйича мониторингини олиб бориш.

## **6. Офис бошлиғи ўринбосари:**

### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

#### **Талаблар:**

- Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодийни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорлик қилиш соҳасида камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиш;

- Монополияга қарши курашиш кўмитаси билан биргаликда мамлакат иқтисодийтада рақобат муҳитини яхшилаш, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман билан биргаликда бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни ташкил этишда ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш учун таклифлар ишлаб чиқа олиш кўникмасига эга бўлиш;

- Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодийни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорлик қилишда янги ва самарали ёндашувларини, хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

- Ўзбек, рус ва инглиз тилларини мукамал билиши (IELTS 7.0);

- Компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини мукамал билиши;

- жамоани бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиш;

- ходимларни танлаш, уларни бир мақсад сари йўналтира олиш ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш қобилиятига эга бўлиш.

### **Вазифалар:**

1. Иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқариш бўйича институционал ислохотларни амалга ошириш орқали амалдаги ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бизнес муҳитига таъсирини баҳолаш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

2. Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек ваколатли бўлган масалалар бўйича идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш;

3. Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорликни ўрнатиш;

4. Ўзбекистонда иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш борасида керакли таҳлилий ишларни мунтазам амалга ошириб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

5. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида керакли таҳлилий ишларни мунтазам амалга ошириб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар портфолиосини тузиш ва улар мониторингини амалга ошириш.

7. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар портфолиосини тузиш.

8. Чора-тадбирларни ижросини бажариш мақсадида ишларни ташкил этишда ҳамкорлик қилиш ва ижроси бўйича мониторингини олиб бориш.

### **7. Офис бош мутахассиси:**

#### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

#### **Талаблар:**

- Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак



маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорлик қилиш соҳасида камида 1 йил иш тажрибасига эга бўлиш;

- Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда мамлакат иқтисодиётида рақобат муҳитини яхшилаш, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман билан биргаликда бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни ташкил этишда ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш учун таклифлар ишлаб чиқа олиш кўникмасига эга бўлиш;

- Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорлик қилишда янгича ва самарали ёндашувларини, хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни амалга ошириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

- Ўзбек, рус ва инглиз тилларини яхши даражада билиши (IELTS 6.0);

- Компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини мукамал билиши.

### **Вазифалар:**

1. Иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқариш бўйича институционал ислохотларни амалга ошириш орқали амалдаги ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бизнес муҳитига таъсирини баҳолаш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

2. Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек ваколатли бўлган масалалар бўйича идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш.

3. Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш ҳамда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида ҳамкорликни ўрнатиш;

4. Ўзбекистонда иқтисодиётни бошқаришда халқаро андозаларни жорий қилиш борасида керакли таҳлилий ишларни мунтазам амалга ошириб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

5. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш борасида керакли таҳлилий ишларни мунтазам амалга ошириб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар портфолиосини тузиш ва улар мониторингини амалга ошириш.

7. Ўзбекистонда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар портфолиосини тузиш.

## **МАКРОИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ**

### **8. Бошқарма бошлиғи;**

#### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

##### **Талаблар:**

- Бошқарма бошлиғи лавозимида олий маълумотли иқтисодчи бўлган ҳамда соҳада камида 5 йиллик, шундан 2 йил раҳбарлик лавозимида иш тажрибасига эга бўлиш;
- макроиқтисодий жараёнларни таҳлил ва прогноз қилишда замонавий молиявий дастурлаш тизимини ҳамда замонавий индикаторларини ишлаб чиқиш ва самарали фойдаланиш дастурларини жорий этиш қобилиятига эга бўлиш;
- хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- жамоани бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиш;
- ходимларни танлаш, уларни бир мақсад сари йўналтира олиш ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш қобилиятига эга бўлиш;
- таҳлилий материаллар ва ҳисоботларни сифатли тайёрлаш бўйича ишларни ташкил қилиш ҳамда ойлик ва чорақлик макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тенденциялари ва иқтисодиётдаги муҳим ўзгаришлар тўғрисида маълумот юзасидан оммавий ахборот воситаларга шарҳ бериш;
- Бошқарма ваколати доирасида қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалар тайёрлаш.

##### **Вазифалар:**

1. Макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва юритиш соҳасидаги сиёсатини юритиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда иқтисодиётдаги номутаносибликларни, муаммо ва хатарларни аниқлаш, мувофиқлаштирилган макроиқтисодий прогнозларни ва макроиқтисодий сиёсатни амалга оширишда керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

3. Иқтисодиётнинг мавжуд салоҳияти ҳамда ташқи иқтисодий шароитларни инобатга олган ҳолда мамлакатни макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, ҳамда уларни ўрта ва узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш;

4. Макроиктисодий жараёнларни таҳлил ва прогноз қилишда замонавий молиявий дастурлаш тизимини, “Input-Output”, умумий мувозанат ва бошқа моделларини жорий қилиш;

5. Қабул қилинган концепция, стратегия, комплекс дастурлар ва устувор йўналишларини амалга ошириш натижаларига макроиктисодий самарасига баҳо бериш;

6. Макроиктисодий прогнозларнинг пул-кредит соҳаси параметрлари, давлат бюджети, ташқи савдо ва тўлов баланслари билан мувозанатини таъминлаш;

## **СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАМДА УЗОҚ МУДДАТЛИ ЎСИШ ОМИЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ**

1. Бошқарма бошлиғи ўринбосари;

Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар

Талаблар:

- иқтисодиёт (бюджет-солиқ, банк, ижтимоий-иқтисодий илмий) соҳасида раҳбарлик лавозимида камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- макроиктисодий моделларда ишлаш тажрибаси, иқтисодий ўсиш омилларини таҳлил қилиш ва ижтимоий-иқтисодий стратегик дастурларни ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлиши;
- иқтисодиётнинг бюджет-солиқ, пул-кредит, ташқи ва реал сектор йўналишларида янгича ва самарали ёндашувларини, хорижий илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- жамоани бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш

ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиш;

- ходимларни танлаш, уларни бир мақсад сари йўналтира олиш ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш қобилиятига эга бўлиш.

Вазифалар:

1. Бошқарма ваколати доирасидаги масалаларни ўрнатилган тартибда раҳбарият муҳокамасига киритиш;

2. Раҳбарият билан келишилган ҳолда Бошқарма ваколати доирасида учрашувларда, семинарларда ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

3. Вазирликнинг таркибий бўлинмаларидан Бошқарманинг фаолиятига оид маълумотларни олиш;
4. Бошқарма ваколоти доирасига кирувчи масалалар бўйича учрашувлар ҳамда семинарлар ташкил этади ва ўтказди;
5. Бошқармага юкланган вазифаларни бажариш мақсадида ваколоти доирасида ўрнатилган тартибда маълумотларни тайёрлаш ва вазирлик раҳбарияти муҳокамасига киритиш.

## **ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАҲЛИЛИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА “ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ” МОНИТОРИНГИ БОШҚАРМАСИ**

### **9. Бош мутахассис:**

#### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

##### **Талаблар:**

- Олий иқтисодий маълумотга эга, мазкур йўналишда камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- Инглиз, рус ва ўзбек тилларини мукаммал билиш (*IELTS сертификатига эга бўлган (камида 6 балл) номзодлар маъқулланадилар*);
- Ташқи иқтисодий муносабатлар йўналишида янги ва самарали ёндашувларини, хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- Хорижий давлатларнинг халқаро ҳамкорлик стратегияси, сиёсий, иқтисодий, технологик, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳитидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ҳамкорлик бўйича таклифлар ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- Жамоа билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, ташаббускор, берилган топшириқларни тўғри ва оператив бажара олиш қобилиятига эга бўлиш;
- Соҳага оид амалдаги қонунчиликлардан хабардор бўлиш;

##### **Вазифалар:**

1. Ташқи иқтисодий муносабатларни истикболда такомиллаштириш бўйича асосланган таклифларни тайёрлаш;
2. Худудларнинг табиий ва иқтисодий салоҳиятларни ҳисобга олган ҳолда, хорижий давлатлар билан худудлараро иқтисодий ҳамкорлик юзасидан ишлаб чиқиладиган дастурларда фаол иштирок этиш;
3. Тегишли давлат идоралари тамонидан тақдим қилинган, шунингдек ўзининг ташаббуси ва раҳбарият топшириғига кўра меъёрий – ҳуқуқий хужжат лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва келишишда қатнашиш;
4. Хорижий давлатлар билан ҳамкорлик доирасидаги “Йўл хариталари” ва дастурлар ижросини мониторингини таъминлаш, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ва таҳлилий-аналитик ишларини олиб бориш;

5. Икки томонлама ҳукуматлараро комиссия (*Россия, Польша, Арманистон ва бошқа*) йиғилишига ва яқун бўйича баённомага таклифлар тайёрлаш;

6. Ижро интизомига қатъий риоя этиш.

## **КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ СИЁСАТИНИ ЮРИТИШ ДЕПАРТАМЕНТИ**

### **Бошқарма бошлиғи**

#### **Талаблар:**

Тегишли йўналишларда ёки вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши;

Камбағалликни қисқартириш соҳасида янгича ва самарали ёндашувларни, хорижий илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда фаолиятини ташкиллаштириш, таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

жамоани бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиш;

ходимларни танлаш, уларни бир мақсад сари йўналтира олиш ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш қобилиятига эга бўлиш;

#### **Асосий вазифалар:**

1. Ҳудудларда аҳолининг камбағаллик даражасидаги фарқни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

2. Камбағаллик ва аҳолининг турмуш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни пасайтириш ҳамда аҳолини ҳар тарафлама ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган самарали дастурлар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

3. Камбағалликни қисқартириш стратегия ва дастурлари доирасида алоҳида лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш, уларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни аниқлаш чораларини белгилаш;

### **Бошқарма бошлиғи ўринбосари:**

#### **Талаблар:**

Тегишли йўналишларда ёки вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида камида 2 йил иш стажига эга бўлиши;

#### **Асосий вазифалар:**

1. Ҳудудлар ихтисослашувини белгилаш, маълум йўналишдаги “драйвер”ларни аниқлаш орқали ўша ҳудудларда аҳолининг иш билан бандлиги орқали камбағалликни қисқартиришни таҳлил қилиш;

2. Ҳудудларда инсон капиталидан камбағалликни қисқартириш нуқтаи назаридан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

3. Камбағалликни қисқартириш бўйича маҳаллий ҳокимият органларига давлат томонидан бевосита ва билвосита ёрдам берилиши бўйича йўналишларни аниқлаш;

### **Бош мутахассис**

#### **Талаблар:**

Тегишли йўналишларда камида 1 йил ишлаган бўлиши ёки вазирликда камида 3 ой стажировка ўтаган бўлиши;

#### **Асосий вазифалар:**

1. Туман (шаҳар)ларда аҳолининг паст даромадли, камбағал қатламининг манзилли рўйхатини аниқлаш ва бу бўйича алоҳида паспортларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

2. Худудларда камбағалликни қисқартириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларининг самарали ва сифатли амалга оширилиши бўйича мониторинг ҳамда ижро ҳолати юзасидан таклифлар тайёрлаш, уларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни аниқлаш чораларини белгилаш.

## **ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ХУДУДЛАР ҲАМДА СИФАТ ОМИЛЛАРИ КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ**

### **10.Бошқарма бошлиғи:**

#### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

#### **Талаблар:**

- камида иқтисодиёт соҳасида (макроиқтисодиёт, эконометрика ва статистика, ҳудудий иқтисодиёт, тармоқлар иқтисодиёти) магистр даражасига эга бўлиш;

- иқтисодиёт (макроиқтисодиёт, эконометрика ва статистика, ҳудудий иқтисодиёт, тармоқлар иқтисодиёти) соҳасида хизмат лавозимида камида 7 йил, шундан 2 йил раҳбарлик иш тажрибаси эга бўлиш;

- макроиқтисодий моделларда ишлаш тажрибаси, макроиқтисодий таҳлил қилиш ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаш амалиётининг мавжудлиги;

- иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичлари ва омилларини таҳлил қилиш, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг сифат кўрсаткичлари ва “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш бўйича аниқ кўникмаларга эга бўлиш;

- иқтисодиётнинг бюджет-солиқ, пул-кредит, ташқи ва реал сектор йўналишларида янги ва самарали ёндашувларини, хорижий илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

- жамоа ходимларни бир мақсадга йўналтира олиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва бошқарув қарорларини тўғри ва тезкор қабул қила олиш қобилиятига, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш қобилиятига эга бўлиш.

### **Вазифалар:**

1. Бошқарма низоми асосида унинг ишини самарали ташкил этиш, бошқарма ваколати доирасидаги масалаларни ўрнатилган тартибда раҳбарият муҳокамасига киритиш;

2. Иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичлари ва омилларини таҳлил қилиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг сифат кўрсаткичлари таҳлили асосида уларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш;

3. Иқтисодиётнинг бюджет-солиқ, пул-кредит, ташқи ва реал сектор барқарорлигига қаратилган ёндашувлар асосида, хорижий илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда бошқарма ишини ташкиллаштириш;

4. Макроиқтисодий ҳолат ва ҳудудий иқтисодиётнинг мунтазам таҳлили асосида таклифлар ишлаб чиқиш;

5. Раҳбарият билан келишилган ҳолда Бошқарма ваколати доирасида учрашувларда, семинарларда ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

6. Бошқармага юкланган вазифаларни бажариш мақсадида ваколати доирасида ўрнатилган тартибда маълумотларни тайёрлаш ва вазирлик раҳбарияти муҳокамасига киритиш.

## **11.Бош мутахассис:**

### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

#### **Талаблар:**

- иқтисодиёт соҳасида (макроиқтисодиёт, эконометрика ва статистика, ҳудудий иқтисодиёт, тармоқлар иқтисодиёти) магистр даражасига эга бўлиш;
- иқтисодиёт (макроиқтисодиёт, эконометрика ва статистика, ҳудудий иқтисодиёт, тармоқлар иқтисодиёти) соҳасида хизмат лавозимида камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- макроиқтисодий таҳлил қилиш ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаш амалиётининг мавжудлиги;
- ҳудуднинг асосий кўрсаткичлари, ҳудуд иқтисодиётининг хусусиятлари бўйича кўникмаларга эга бўлиш;
- иқтисодиёт тармоқларининг асосий кўрсаткичлари, уларнинг таркиби бўйича кўникмаларга эга бўлиш;
- жамоа ходимлари билан бир мақсад сари ишлай олиш, катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қила олиш, ўз қарашларига эга бўлиш.

#### **Вазифалар:**

1. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш;
2. Ҳудудларнинг асосий кўрсаткичлари мониторинги асосида, ҳудуд иқтисодиётининг хусусиятлари аниқлаш, “ўсиш нуқта”ларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
3. Иқтисодиёт тармоқларининг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг таркибий ўзгаришлари таҳлили асосида ўсиш суръатларини жадаллаштириш юзасидан таклифлар шакллантириш;
4. Иқтисодиёт секторлари (бюджет-солиқ, пул-кредит, ташқи ва реал сектор) мувозанатини таъминлаш юзасидан амалий ишлар ва таклифлар ишлаб чиқиш;
5. Ваколати доирасида ўрнатилган тартибда норматив-ҳужжатларни экспертиза қилиш, асосланган таклифларни ишлаб чиқиш вазирлик раҳбарияти муҳокамасига киритиш.